

Сизга куйидаги саволларни бермокчи әдим:

1. Дуо мустажоб бўлиш шартларидан бири – таомни халоллаш, деган жумлаларни ўқиганман. «Таомни халоллаш» дегани нима?
2. Бозорларда, кўча-кўйда сотилаётган сомса, шашлик каби овкатларни тановул этиш мумкинми? Бир такводор дугонам: «Мен у нарсаларни емайман, билмайсиз-ку кай шароитда, кандай тарзда тайёрланган, кайси гўштни солган», – дейди.

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

«Таомни халоллаш» дегани халол касбдан топилган маблагга халол нарсанни олиб ёмок ва ичмок, деганидир.

Дугонангизнинг ўзлари айтган даражада пархезкорлик килишлари ўзларининг ишлари. Лекин, ўша таомларнинг барчасини харомга чикариб юборишга хеч кимнинг хықи йўқ. Сўраб-суриштириб билса бўлади. Уламолар учраган нарсанни «харом» деб шубха килаверишни «васваса касали» дейдилар. Демак, сўраб-суриштириб, халоллигига каноат хосил бўлган нарсанни сотиб олиш жоиз. Валлоху аълам.